



СЕБАРГАНИ ҲАЙДАШ МУДДАТЛАРИ ВА ҒЎЗАДА МАЪДАН ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИ ҒЎЗАНИНГ КЎСАКЛАР СОНИ ВА ОЧИЛИШ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИРИ

Эргашев Акрамжон Мавлонбой ўғли

таянч докторант

Бозоров Холмурод Махмудович

қ.х.ф.д., катта илмий ходим

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18830254>

Аннотация: Мақоллада кузги буғдой орасига экилган себаргани ёзда буғдой ўрмидан сўнг хайдаш ҳамда, кузда 15-20 см қолдириб ва қишловга қолдириб бахорда хайдаб, ғўза етиштиришда ғўзада ўғитсиз ва турли миқдорда $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га, $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га ва $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га маъдан ўғитлар қўллаш натижасида ғўзада кўсақлар сони ва уларнинг очилиш динамикасига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: кузги буғдой, себарга, ғўза, хайдов, маъдан ўғит, кўсақ.

Аннотация: В статье приведены сведения о влиянии посева клевера, среди озимой пшеницы, с последующей летней вспашкой после уборки пшеницы, проведение осенней вспашки оставлением стерней высотой 15-20 см и всеенной вспашки весной после перезимовки, на количество коробочек и динамику их раскрытия при выращивании хлопчатника без удобрений, а также при внесении минеральных удобрений в нормах $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га, $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га и $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га.

Ключевые слова: озимая пшеница, клевера, хлопчатник, вспашка, минеральные удобрения, коробочка.

Abstract: The article presents data on the effect of clover sown among winter wheat and subsequently plowed after the wheat harvest in summer, leaving 15-20 sm stubble in autumn and plowing in spring after overwintering, on the number of cotton bolls and the dynamics of their opening when growing cotton without fertilizers, as well as with the application of mineral fertilizers at the rates of $N_{120}P_{80}K_{60}$ kg/ha, $N_{160}P_{110}K_{80}$ kg/ha, and $N_{200}P_{140}K_{100}$ kg/ha.

Key words: winter wheat, clover, cotton, plowing, mineral fertilizers, boll.

Қириш. Кўплаб тадқиқотлардан маълумки ғўзанинг мақбул ўсиб ривожланиши, гуллаши ва кўсақларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг очилиш динамикаси ғўзада қўлланилган маъдан ўғитлар меъёрига, ғўзадан олдин экилган ўтмишдош экин тури ва ундан фойдаланишга ва тупроқ-иқлим шароитларига кўп жihatдан боғлиқ бўлади.





Г.А.Курбанова ва М.Тожиев [3; 358-360-б] ларнинг олиб борган кўп йиллик тадқиқотлари натижасида ғўзанинг жадал гуллаши ва кўсакларнинг очилишига ғўзани ўтмишдошлардан-кузги буғдой ва дон-дуккак экинлардан, бедадан сўнг, ғўзага ҳар йили маъдан ва маҳаллий ўғитлар қўллаш андоза даласига нисбатан анча жадал кечиши исботланган.

М.Тожиев, К.Тожиев [5; 16-18-б] ларнинг ЎзПИТИ Сурхондарё филиалида олиб борган тажрибаларида эътироф этилишича такрорий экинлардан сўнг экилган ғўзанинг бўйи назорат вариантга нисбатан 4,0-11,5 см юқори ва кўсаклари эса 0,2-0,9 донага кўп бўлиши, ғўза сидератлардан сўнг экиб парваришланганда эса ўсимликнинг бўйи назорат вариантга нисбатан 8,0-15,0 см баланд, кўсаклар сони эса 0,8-1,7 донага кўп бўлиши таъкидлаб ўтилган.

С.Ташкулов, Б.Тиллабеков, Ж.Исмоилов [4; 12-б] лар Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институтида олиб борган тажрибаларида $N_{270}P_{270}K_{202,5}$ кг/га ўғит меъёрларида 1-терим салмоғи 81,5 % ни ташкил этган бўлса, $N_{220}P_{220}K_{165}$ кг/га меъёрларида эса 84,3 % ни ташкил этиб, 2,8 % га юқори бўлганлиги аниқланган.

Демак, тадқиқотлардан хулоса қилиш мумкинки, ғўзада кўсакларни сони ва уларни очилиш даражаси хайдов муддатлари ва ўғитлаш меъёрларини тўғри ташкил этиш, қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига оралиқ ҳамда сидерат экинларни киритиш яхши самара беради.

Материаллар ва услублар. Юқоридагилардан келиб чиқиб 2023-2025 йилларда Наманган вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида себаргани ҳайдаш муддатлари ва ғўзада маъдан ўғит меъёрларини ғўзада кўсаклар сони ва уларнинг очилиш динамикасига таъсири ўрганилди ва ўрганилган омилларни турлича таъсир кўрсатгани аниқланди.

Тадқиқот ўтказишда “Дала тажрибасини ўтказиш услублари” [1; 148-б] услубий қўлланмалар бўйича, олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишонччилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» [2; 255-б] қўлланмаси ёрдамида математик-ситатистик таҳлил Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Дала тажрибалари 12 та вариант 3 такрорланиш ва 3 ярусда олиб борилди

Натижалар ва мунозара.

Олиб борилган тадқиқотда кузги буғдой орасида парваришланган себаргани ёзда буғдой ўрмидан сўнг, кузда 15-20 см қолдириб ва қишлоғга





қолдириб бахорда хайдаб 2 йил ғўза етиштиришда турли маъдан ўғит меъёрларини ғўзанинг кўсаклар сони ва очилиш динамикасига таъсири ўрганилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Тадқиқотда ғўзанинг кўсаклар сони ва очилиш динамикасини аниқланганда хайдов муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларига мос равишда ўзгариб борганлиги кузатилди.

Себаргани ёзда хайдаб ғўза экилган вариантларда ғўза парваришлашнинг 1-йилида назорат, маъдан ўғитлар қўлланилмаган 1-вариант август ойига келиб кўсаклар 5,6 донани, маъдан ўғитлар $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган 2-вариантда кўсаклари 6,2 донани, маъдан ўғитлар $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га меъёрда қўлланилган 3-вариантда кўсаклари 7,1 донани, маъдан ўғит меъёрлари $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га бўлган 4-вариантда кўсаклари 7,4 донани донани ташкил қилди. Ғўза парваришлашнинг 2-йилига келиб эса маъдан ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда камайганлиги аниқланди. Унга кўра, 1-вариантда кўсаклари 4,9 дона, 2-вариантда 6,1 дона, 3-вариантда 7,2 дона, 4-вариантда 7,4 дона бўлганлиги аниқланди.

Себаргани кузда хайдаб ундан кейин ғўза парваришланган вариантларда ҳам шу қонуният кузатилди. Ўғитсиз, назорат 5-вариантда ғўза парваришлашнинг 1-йилида август ойига келиб кўсаклар сони 5,9 дона, ғўзага маъдан ўғитларни $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га меъёри қўлланилган 6-вариантда 6,7 дона, ғўзада маъдан ўғит меъёрлари $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га қўлланилган 7-вариантда 7,6 дона, маъдан ўғит меъёрлари $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га қўлланилган 8-вариантда сони 7,9 дона бўлганлиги кузатилди. Ғўза парваришлашнинг 2-йилида эса назорат, ўғитсиз 5-вариантда кўсаклар 5,4 дона, 6-вариантда 6,3 дона, 7-вариантда 7,8 дона, 8-вариантда эса 7,9 дона бўлганлиги аниқланди.

1-жадвал

Себаргани ҳайдаш муддатлари ва ғўзада маъдан ўғит меъёрларини ғўзанинг кўсаклар сони ва очилиш динамикасига таъсири

Вариантлар	Себаргани ҳайдаш муддатлари	Ғўза парваришлашнинг 1-йили				Ғўза парваришлашнинг 2-йили			
		Кўсак сони, дона		Оч илган кўсак сони, дона	Кўса кларнинг очилиш даражаси, %	Кўсак сони, дона		Оч илган кўсак сони, дона	Кўса кларнинг очилиш даражаси, %
		01.08	01.09	01.09	01.09	01.08	01.09	01.09	01.09
1	Ёзда буғдой ўримидан кейин анғизни ҳайдаш	5,6	6,3	4,8	76,2	4,9	5,6	4,3	77,5
2		6,2	8,8	6,9	78,5	6,1	7,5	5,7	76,2
3		7,1	10,1	8,2	81,6	7,2	9,5	7,3	76,9
4		7,4	10,3	8,2	79,3	7,4	9,3	7,1	76,7
5	Кузда 15-20 см қолдириб ҳайдаш	5,9	6,6	5,2	78,1	5,4	6,0	4,7	79,1
6		6,7	9,3	7,4	79,2	6,3	8,5	6,4	75,8



7	Қишловга қолдириб сўнг баҳорда ҳайдаш	7,6	10,5	8,6	82,2	7,8	9,7	7,6	78,9
8		7,9	10,7	8,5	79,9	7,9	9,6	7,4	77,8
9		5,7	6,5	5,0	77,6	5,1	6,0	4,6	77,2
10		6,3	9,1	7,1	78,2	6,2	8,2	6,1	74,6
11		7,3	10,2	8,2	80,3	7,4	9,3	7,0	75,9
12		7,4	10,3	8,1	78,9	7,5	9,5	7,1	74,7


Себаргани қишловга қолдириб баҳорда ҳайдашдан кейин ғўза экилган ва турли меъёردа маъдан ўғитлар қўлланилиши ғўза кўсакларининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Ўғитсиз, 9-вариантда ғўза парваришланиши 1-йилида август ойига келиб кўсаклар сони 5,7 дон, ғўзага маъдан ўғит меъёрлари $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га бўлган 10-вариантда 6,3 дон, маъдан ўғит меъёрлари $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га бўлган 11-вариантда 7,3 дон, маъдан ўғит меъёрлари $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га бўлган 12-вариантда 7,4 дон бўлганлиги кузатилган бўлса, ғўза парваришланиши 2-йилига келиб назорат, ўғитсиз 9-вариантда кўсаклар 5,1 дон, маъдан ўғит меъёрлари $N_{120}P_{80}K_{60}$ кг/га қўлланилган 10-вариантда 6,2 дон, 11-вариантда 7,4 ҳамда 12-вариантда 7,5 дон бўлганлиги аниқланди.


Тадқиқот давомида сентябр ойига келиб бир туп ўсимликдаги етилган кўсаклар сони аниқланганда, ҳайдов муддати ва ўғит меъёрларига боғлиқ равишда 1-ғўза парваришланишда ортиб бориши, 2-йилга келиб эса маълум бир миқдорга камайиш ҳолатлари аниқланди (1-расм).



1-расм. Ғўза кўсакларининг ҳайдов муддатлари ва маъдан ўғит меъёрлари тасирида ўзгариш динамикаси, туп/дон

Олиб борилган тадқиқотда кўсакларнинг очилиш динамикаси ўрганилганда қуйдагилар аниқланди (2-расм).





2-расм. Ғўзанинг кўсакларнинг очилишини ҳайдов муддатлари ва маъдан ўғит меъёрлари тасиғрида ўзгариш динамикаси, %

Себаргани ёзда ҳайдаб ғўза экилган вариантларда ғўза парваришлашнинг 1-йилида назорат 1-вариантда етилган кўсаклар сони ўртача 6,3 донани ташкил этиб шундан очилган кўсаклар 76,2 фоизни ташкил этди. 2-вариантда эса тегишли равишда 8,8; 78,5 фоиз, 3-вариантда 10,1; 81,6 фоиз, 4-вариантда 10,3; 79,3 фоизни ташкил этган бўлса, ғўза парваришлашнинг 2-йилига келиб назорат вариантда тегишлича 5,6; 77,5 фоизни, 2-вариантда 7,5; 76,2 фоизни, 3- вариантда 9,3; 78,4 фоизни, 4 вариантда 9,5; 74,7 фоизни ташкил қилди.

Себаргани кузда ҳайдаб ғўза экилган вариантларда ғўза парваришлашнинг 1-йилида назорат 5-вариантда етилган кўсаклар сони ўртача 6,6 донани ташкил этиб шундан очилган кўсаклар 78,1 фоизни, 6-вариантда эса тегишли равишда 9,3; 79,2 фоизни, 7-вариантда 10,5; 82,2 фоизни, 8-вариантда 10,7; 79,9 фоизни ташкил етган бўлса, ғўза парваришлашнинг 2-йилига келиб назорат вариантда тегишлича 6,0; 79,1 фоиз, 6-вариантда 8,5; 75,8 фоиз, 7-вариантда 9,7; 78,9 фоиз, 8-вариантда 9,6; 77,8 фоиз бўлганлиги аниқланди.

Умуман тажрибад кўсак сони ва уларнинг очилиши бўйича энг юқори кўрсаткич, себаргани кузда шудгор қилиниб, ундан сўнг ғўзада маъдан ўғитлар $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда кузатилиб ўғитсиз назорат вариантга нисбатан ғўзада етилган кўсаклар сони тегишли равишда 3,9-3,7 донага, маъдан ўғитларни $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда 4,1-3,6 донага ортганлиги, себаргани ёзда ҳайдаб, ундан сўнг 2 йил давомида ғўза парваришлашда маъдан ўғитларни $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда 3,8-3,7 донага, маъдан ўғитларни $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда 4,0-3,9 донага ортган бўлса, себаргани баҳорда ҳайдаб, ундан сўнг 2 йил давомида ғўза



парваришладда маъдан ўғитларни $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда 3,7-3,5 донага, маъдан ўғитларни $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда 3,8-3,3 донага ортган.

Себаргани баҳорда ҳайдаб ғўза экилган вариантларда ғўза парваришлашнинг 1-йилида назорат 9-вариантда етилган кўсаклар сони ўртача 6,5 донани ташкил этиб шундан очилган кўсаклар 77,6 фоизни, 2-вариантда эса тегишли равишда 9,1; 78,2 фоизни, 3-вариантда 10,2; 80,3 фоизни, 4-вариантда 10,3; 78,9 фоизни ташкил этиб, ғўза парваришлашнинг 2-йилига келиб назорат вариантда тегишлича 6,0; 77,2 фоиз, 2-вариантда 8,2; 74,6 фоиз, 3- вариантда 9,5; 73,7 фоиз, 4 вариантда 9,3; 76,3 фоиз бўлганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, оч тусли бўз тупроқлар шароитида себаргани кузда ҳайдаб, ундан сўнг 2 йил давомида ғўза парваришладда маъдан ўғитларни $N_{160}P_{110}K_{80}$ кг/га меъёрда қўллаш мақбул эканлиги ва бир ўсимликда кўсаклар сони ва унинг очилиши юқори бўлади. Шунда, себаргани кузда ҳайдаш ёзги ва баҳорги ҳайдашга нисбатан мақбул вариантлар 2 йил ғўза парваришланганда ғўзада етилган кўсаклар сони тегишлича 0,4-0,1; 0,2-0,3 донага юқори бўлиши билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар ройхати:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. ЎзПТИ 2007. 148 б
2. Доспехов Б.А Методика полевого опыта.-М.: Агропромиздат, 1985. -255 б.
3. Курбанова Г.А., Тожиев М. Ғўзани ўсиши, ривожланиши ва кўчат қалинлигига дуккакли экинларнинг таъсири. Агро илм махсус сон 8 [118], 2025 “Яшил иқтисодиётга ўтиш, рақамли технологиялар ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда кадрлар салоҳиятини ошириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами 2025-йил , 10-11-октябрь. Б-358-360
4. Ташкулов С., Тиллабеков Б., Исмойилов Ж. “Минерал ўғитларни мақбул меъёр ва нисбатларда қўллашнинг ингичка толали ғўза ҳосилдорлигига таъсири” Агро Илм 2(99)-сон 2024. 12 б
5. Тожиев М., Тожиев К. Ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва кўсаклар очилиши тезлашишига такрорий, оралиқ ва сидерат экинларнинг тасири. «Тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришладда манба тежовчи агротехнологияларни амалиётга жорий этишнинг аҳамияти» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжумани марузалари асосидаги мақолалар тўплами. 2012 йил 5-6 декабрь 16-18-б.

